

Қуйида Рамазон ойи қўлланмаси сифатида келтирилган савол–жавоблар шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Мўминнинг қалқони» китобларидан олинган.

САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ҲАҚИДАГИ САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: саҳарлик қилиш қандай амал?

Жавоб: саҳарлик қилиш мустаҳаб амалдир. Саҳарлик қила олмаган киши субҳи содиқдан то қуёш ботгунча ҳеч нарса еб–ичмасдан рўза тутса, рўзаси дуруст бўлаверади. Рамазон рўзаси бўлса ҳам, нафл рўза бўлса ҳам.

Савол: билмай субҳи содиқдан кейин таомланса, рўза дуруст бўлаверадими?

Жавоб: йўқ, дуруст бўлмайди. Рўза субҳи содиқдан қуёш ботгунча Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ниятида еб–ичиш ва жимоъ қилишни тарк қилишдир. Киши ҳали субҳи содиқ кирмади, деган ўйда саҳарлик қилсаю, субҳи содиқ кириб бўлган бўлса ёки қуёш

ботиб бўлди, деган хаёлда ифторлик қилиб юборсаю, қуёш ҳали ботмаган бўлса, унинг зиммасига ўша кун рўзасининг қазоси лозим бўлади, каффорат эмас.

Савол: саҳарликнинг охирги вақти қачон?

Жавоб: субҳи содиқ кириши билан саҳарлик вақти тугаб, рўза вақти бошланади. Иккисининг ўртасини ажратиб турадиган учинчи бир вақт йўқ. Саҳарлик ўз вақтида бўлгани афзал. Лекин субҳи содиқ кирган-кирмагани борасида иккиланадиган даражада кечиктириш макруҳ.

Савол: халқ орасида юрадиган «оқ ип билан қора ип ажрамагунча», «кесак отса кўринмагунча саҳарлик қилса бўлади» деган гаплар тўғрими?

Жавоб: ояти каримада саҳарлик борасида келган «оқ ип билан қора ип» жумласида одамлар ўйлаганидек ҳақиқий оқ ва қора иплар эмас, балки «кун билан тун» назарда тутилган. Бир саҳобий бу ҳақда сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оятдаги оқ ва қора ипдан мурод ҳақиқий оқ ва қора ип эмас, балки кун билан тун эканини айтганлар.

Кесак отса кўриниш-кўринмаслиги туннинг ёруғ ёки қоронғулигига боғлиқ. Лекин ҳозирги кундагидек барча жойда электр чироқлар, соатлар мавжуд замонда субҳи содиқ кирган-кирмаганини бу каби

йўллар билан аниқлаш тўғри натижа бермайди.

Савол: ифторликнинг суннат бўлган дуолари қайси?

Жавоб:

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا أَفْطَرَ، قَالَ: «اللَّهُمَّ لَكَ صُمْنَا، وَعَلَى رِزْقِكَ أَفْطَرْنَا، فَتَقَبَّلْ مِنَّا، إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ». رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифторлик қилиш вақтида «**Аллоҳумма, лака сумнаа ва ъалаа ризқика афторнаа, фатақоббал миннаа, иннака антас Самийъул-Алийм**» (Аллоҳим, Сен учун рўза тутдик, берган ризқингдан ифторлик қилдик, бизлардан қабул айла. Албатта, Сен Эшитувчи ва Билувчи Зотсан), дер эдилар».

Дорақутний ривоят қилган.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: وَكَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ إِذَا أَفْطَرَ، قَالَ: «ذَهَبَ الظَّمَأُ، وَابْتَلَّتِ الْعُرُوقُ، وَثَبَتَ الْأَجْرُ، إِنْ شَاءَ اللهُ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ифторлик вақтида «**Заҳабаз-зомау, вабталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳ**» (Чанқоқ кетди, томирлар намланди, иншааллоҳ, савоб ҳосил бўлди), дер эдилар.

Байҳақий ривоят қилган.

Савол: нималар билан ифторлик қилиш суннат?

Жавоб: пишган хурмо, хурмонинг қоқиси ёки ҳеч бўлмаса оддий сув билан ифторлик қилиш суннатдир. Хурмо бўлатуриб бошқа нарсалар билан оғиз очиш суннатга хилофдир.

عَنْ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ، فَلْيُفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ فَعَلَى مَاءٍ، فَإِنَّهُ طَهُورٌ». رَوَاهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Салмон ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бирортангиз оғиз очса, хурмо билан очсин. Агар топа олмаса, сув билан, чунки у покловчидир**», дедилар.

Табароний ривоят қилган.

Савол: масжидда ифторлик қилса бўладими?

Жавоб: масжид ибодат ва зикр қилинадиган жойдир. Умумий ҳолатда масжидда еб-ичиш, ухлаш макруҳдир. Рамазон ойларида шом намозини масжидда жамоат билан ўқийман деб келганлар масжид ичида ифторликни қилишса бўлади. Лекин икки нарсанинг риояси қилинса, яхши бўлади:

а) Киришдан аввал имом Муҳаммад раҳматуллоҳи

алайҳнинг «Масжидга бироз муддат эътикоф ниятида кириш ҳам эътикоф ўрнига ўтади», деган сўзларига биноан «Масжиддан чиққунимча нафл эътикофни ният қилдим», деб ният қилиши, зеро эътикофдаги киши учун масжидда еб-ичишга барча уламолар ижозат беришган *(Масжид ичида еб-ичмоқчи бўлганлар аввал нафл эътикофни ният қилсалар, ибодат жойида макруҳ иш қилишдан сақланган бўладилар. Қолаверса, нафл эътикофнинг савобига эга бўладилар*);

б) Масжидни покиза сақлаш.

Шунингдек, аллома Зафар Аҳмад Усмоний раҳматуллоҳи алайҳ Мулла Алиюл Қорийнинг «Мирқотул мафотиҳ» китобидаги «Масжидда еб-ичиш макруҳ, лекин ифторлик бундан мустаснодир», деган сўзларини масжидда ифторлик қилиш мумкинлигига далил қилиб келтирган.

Савол: аввал оғиз очиладими ёки шом ўқиладими?

Жавоб: оғиз очиб, шом намози ўқилади, сўнг таом ейишга ўтирилади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғиз очишни шошилтириш ва шомни кечиктирмаслик ҳақидаги ҳадисларига амал қилинган бўлади.

عَنْ أَبِي عَطِيَّةَ، قَالَ: دَخَلْتُ أَنَا وَمَسْرُوقٌ عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، فَقَالَ لَهَا مَسْرُوقٌ: رَجُلاَنِ مِنْ أَصْحَابِ مُحَمَّدٍ ﷺ ، كِلاَهُمَا لاَ يَأْلُو عَنِ الخَيْرِ، أَحَدُهُمَا يُعَجِّلُ الْمَغْرِبَ وَالإِفْطَارَ، وَالآخَرُ يُؤَخِّرُ

الْمَغْرِبَ وَالإِفْطَارَ، فَقَالَتْ: مَنْ يُعَجِّلُ الْمَغْرِبَ وَالإِفْطَارَ؟ قَالَ: عَبْدُ اللهِ، فَقَالَتْ: هَكَذَا كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ يَصْنَعُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Атийя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Масруқ билан бирга Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурига кирдик. Масруқ унга: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан яхшиликка интилувчи икки киши бор, бири шомни ҳам, ифторликни ҳам тезлаштиради, бошқаси шомни ҳам, ифторликни ҳам кечиктиради», деди. Оиша: «Шом билан ифторни шошилтирадиган ким?» деб сўради. У: «Абдуллоҳ», деди. Шунда у «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам шундай қилар эдилар», деди

Муслим ривоят қилган.

Савол: саҳарлик ва ифторлик вақтга қараб белгиланадими ёки қуёш ҳаракатига қарабми?

Жавоб: саҳарлик ва ифторликни тайин қилиш субҳи содиқ кирган-кирмагани ва қуёшнинг ботган-ботмаганига боғлиқдир. Бир киши субҳи содиқ киришидан бир соат аввал саҳарликни самолётда қиламан, деган ниятда осмонга кўтарилса ва у ерда субҳи содиқ кирганига гувоҳ бўлса, саҳарлик қилмасдан рўза тутиши керак. Агар самолётда учиб кетаётганда субҳи содиқ кирганини кўриб, саҳарлик

t.me/Savollar_kanal

қилган бўлсаю, ерга қўнганда ҳали субҳи содиқ кирмагани маълум бўлса, яна еб-ичиши мумкин бўлади. Бир киши ифторликка оз вақт қолганда осмонга кўтарилса ва ҳали қуёш ботмаганига гувоҳ бўлса, қуёш ботмагунча ифторлик қилмайди. Лекин ерда оғзини очгандан кейин осмонга кўтарилганда қуёшни қайта кўрса, рўзаси дуруст бўлади, аммо қуёш ботгунча емай-ичмай туради.

Савол: бир шаҳарда бўлатуриб баландликда турган киши билан ерда турган кишининг рўзасини очиш вақтида фарқ бўладими?

Жавоб: рўзани очиш-очмаслик қуёшнинг ботган-ботмаганига боғлиқ. Тақвимларда ёзилган вақтлар фақат ердаги кишилар учундир. Шунинг учун баланд уйларда яшовчилар ёки минора, тоғ каби баланд жойда турганлар пастдаги кишилар билан бир хил вақтда оғиз очишмайди, балки турган жойларида қуёш ботганига гувоҳ бўлсаларгина оғиз очишади. Самолётда кетаётганлар ҳам соатга қараб эмас, балки қуёшнинг ботганига қараб оғиз очадилар.

Минора каби баланд жойда турган одам қуёш ботганини кўрмай туриб ифторлик қилмайди. Лекин шу шаҳар аҳли учун қуёш ботган заҳоти ифторлик қилиш жоиз бўлади. Саҳарлик қилиш ва бомдод намозини ўқишда субҳи содиқ киришига қараш ҳам

худди шундай йўл тутилади.

Савол: халқ орасида олов теккан нарса билан оғиз очиб бўлмайди, деган фикрлар бор. Бу тўғрими?

Жавоб: бу нотўғри фикр.

Савол: баъзилар қуёш ботди деса, бошқалар ботмади деса, қуёш ботди деган сўзни инобатга олиб, рўзасини очиб юборган киши қуёш ботмаганини билиб қолса, каффорат лозим бўладими?

Жавоб: қазо лозим бўлади, каффорат эмас.

Савол: саҳарлик вақти тугай деб қолган пайтда жунуб ҳолатда уйғонган киши аввал саҳарлик қиладими ёки ғусл қиладими?

Жавоб: саҳарлик вақти оз қолган бўлса, оғиз–бурунни яхшилаб чайиб, саҳарлик қилади. Субҳи содиқ кирганидан кейин ғусл қилаверади. Жунуб ҳолатда рўзани бошлаш рўзага путур етказмайди.

РЎЗАНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

Қуйидаги амаллар рўзанинг мустаҳабларидир:

1. Бирор нарса билан, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилиш, саҳарликни кечанинг охиригача суриш.

2. Қуёш ботиши билан шом намозини ўқишдан олдин

t.me/Savollar_kanal

дарҳол оғизни очиш. Ширин ва ҳўл нарса билан оғиз очиш афзал.

3. Оғизни очишда ривоят қилинган лафзлар билан дуо қилиш.

4. Рўзадорларга ифтор қилиб бериш.

5. Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғуслни кечга қўймай, тонг отишидан олдин қилиб олиш.

6. Тил ҳамда аъзоларни ортиқча гап-сўз ва амаллардан тийиш.

7. Рўзани бузмайдиган, аммо ҳузурбахш нарсаларни тарк қилиш.

8. Оила аъзолари ва қариндошларга кенгчилик қилиш. Бева-бечора ва камбағалларга хайр-эҳсонни кўпайтириш.

9. Қуръон қироати, илм суҳбатлари, зикр ва салавотларни кўпайтириш.

РЎЗАНИ БУЗАДИГАН НАРСАЛАР

Рўзанинг бузилиши икки хил бўлади. Биринчиси – қазо ва каффоратни вожиб қиладиган ҳолатлар.

Иккинчиси – фақат қазони вожиб қиладиган ҳолатлар.

Қазо ва каффорат вожиб бўладиган ҳолатлар.

t.me/Savollar_kanal

Каффорат Рамазоннинг ҳурматини оёқости қилингани учун вожиб бўлади. Рамазоннинг фарз рўзасини адо қилишни ният қилиб рўза тутган одам уни ўз ихтиёри билан, мажбурлашсиз ва шаръий узрсиз қасддан очиб юборса, ҳам қазосини тутади, ҳам каффоратни адо этади. Лекин Рамазоннинг қазосини ёки бошқа рўзаларни қасддан бузса каффорат вожиб бўлмайди.

Каффорат қуйидаги ҳолатларда вожиб бўлади:

1. Ғизо ёки шу каби нарсани шаръий узрсиз ейиш. Одатда озуқа сифатида тановул қилинадиган барча нарсалар ғизога киради. Дори, папирос, сигара, афюн, наша ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам ғизо тоифасига киради. Ушбу ҳолатларда рўзасини очган одам ҳам қазосини тутади, ҳам қул озод қилиш ёки олтмиш кун кетма-кет рўза тутиш, унга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом бериш билан каффоратни адо қилади.

2. Бировни ғийбат қилгани, қон олдиргани, шаҳват билан ушлагани ёки ўпгани, қучоқлашиб ётгани, мўйлабини мойлагани сабабли «рўзам очилиб кетди» деб ўй лаб, қасддан еб-ичиб юборган одам ҳам қазо тутади, ҳам каффоратни адо қилади (Лекин фақиҳ киши «рўзанг очилибди» деб фатво берса, бундан мустасно. Унда фақат қазо тутади, каффорат вожиб бўлмайди).

3. Оғзига кирган ёмғир сувини, хотинининг тупугини

t.me/Savollar_kanal

лаззат учун ичига ютса, кесакхўр одам кесакни ютиб юборса, ҳам қазо тутиб, ҳам каффорат адо қилади.

4. Фарж шаҳватини тўла равишда қондириш. Бунда маний тўкилмаса ҳам қазо ва каффорат вожиб бўлади. Жумҳур уламолар: «Жимоъда қатнашгани учун аёл киши ҳам каффорат беради», дейишган.

5. Аёл киши ёш боланинг ёки мажнуннинг ўзига яқинлик қилишига имкон берса, унга ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади.

Қазо тутиш лозим бўладиган, каффорат лозим бўлмайдиган ҳолатлар:

1. Ғизо саналмаган ва ғизо тоифасига кирмайдиган нарсани тановул қилиш. Бунда одатда ғизо саналмайдиган ва инсон таъби ейишга мойил бўлмайдиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, рўзадорнинг хом гуруч, хамир, бирор нарса аралаштирилмаган ун каби нарсаларни ейиши.

2. Пишмаган мевани ейиш.

3. Тишлари орасида қолган нўхатдан катта нарсани ютиб юбориш.

4. Данак, пахта, қоғоз, тери ейиш.

5. Тош, темир парчаси, тупроқ, тангага ўхшаш нарсаларни ютиб юбориш.

t.me/Savollar_kanal

6. Қасддан ичига исириқнинг тутуни каби тутун киритиш.

7. Эркак кишининг орқасидан, бурнидан, томоғидан ва аёл кишининг олдидан сув ёки дори киритилиши.

8. Қулоққа мой томизилса ҳам рўза очилади. Сув томизилса очилмайди.

9. Қасддан оғзи тўлиб қайт қилса ҳам қазо тутилади. Агар беихтиёр, оғзи тўлмай қайт қилса ёки таом эмас, балғам қайт қилса, рўза очилмайди.

10. Ғизо ва доринини беморлик, сафар, мажбурлаш, адашиш, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар билан тановул қилса, рўза очилиб, қазоси тутилади.

11. Оғиз чайилаётганда беихтиёр ичига сув кетиб қолса, рўза очилади ва қазо тутилади.

12. Бошдаги ёки қориндаги жароҳатга қўйилган дори ичига ёки димоғига кетиб қолиши.

13. Ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборилса, рўзаси очилади.

14. Аёл киши хизматга ярамай қоламан деб таом еса ҳам рўзаси очилиб, қазосини тутади.

15. Рўзадорлигини унутган ҳолда таом еса ёки жимоъ қилса, рўзаси очилмайди. Аммо бунинг ҳукмини билмай, «бўлар иш бўлди» деб, яна таом еса ёки жимоъ қилса, қазо рўза тутиб бериш лозим бўлади.

t.me/Savollar_kanal

16. Рўза тутишга кечаси эмас, кундузи ният қилиб, кейин «бу ниятим тўғри бўлмаса керак» деган шубҳа билан таом ейилса, рўза очилади ва қазо тутиш вожиб бўлади.

17. «Ҳали тонг отмаган бўлса керак» деб, еб-ичган ёки жимоъ қилган одам тонг отиб бўлганини билиб қолса, рўзасининг қазосини тутади.

18. «Қуёш ботган бўлса керак» деб, еб-ичган ёки жимоъ қилган одам қуёш ботмаганини билиб қолса, рўзасининг қазосини тутади.

19. Шаҳватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутади.

20. Қучоқлаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли маний тўкилса, рўзанинг қазоси тутилади.

21. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл ҳам қазо тутади.

22. Рўзадор киши орқасига пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам рўзаси очилиб, қазосини тутади.

23. Рамазон рўзасидан бошқа рўзасини очиб юборган кишига фақат қазо тутиш вожиб бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

ҚАЗО ВА КАФФОРАТГА ОИД САВОЛ-ЖАВОБЛАР

t.me/Savollar_kanal

Савол: қазо рўзаларни тутаётганлар қандай ният қилишади?

Жавоб: қазо рўзаларни тутаётганлар субҳи содиқдан аввал ният қилиб олишлари, ниятда қандай рўзани, қайси куннинг қазосини тутаётганини тайин қилишлари шарт. Ифторлик пайтида «Эртага ҳам қазо рўза тутаман» ёки «Эртага қазо рўза тутишни ният қилдим» деб ният қилиш ҳам мумкин. Қазоси кўпайиб кетса ёки неча кунлиги эсида бўлмаса, «зиммамга энг аввал вожиб бўлган Рамазоннинг қазосини ёки зиммамга энг охирги вожиб бўлган Рамазоннинг қазосини тутишни ният қилдим» деса, кифоя қилади.

Савол: каффорат рўзасини тутувчилар қандай ният қилишади?

Жавоб: каффорат рўзасини тутувчилар субҳи содиқдан аввал ният қилиб, ниятда қайси каффорат эканини тайин қилишлари шарт. Ифторлик пайтида «Эртага ҳам каффорат рўзасини тутаман» ёки «Эртага каффорат рўзасини тутишни ният қилдим» деб ният қилиш ҳам мумкин. Мисол учун, «Рамазон рўзасининг каффоратини», «Зиҳорнинг каффоратини» ёки «Қасамнинг каффоратини ният қилдим» дейишлари каби.

Савол: қайси амаллар рўзани бузиб, қазо ва

каффоратни вожиб қилади?

Жавоб: рўза бузилган ҳар қандай ҳолатда қазосини тутиш вожиб бўлади, лекин қуйидаги ҳолатларда қазо билан бирга каффорат ҳам вожиб бўлади:

– рўзани суратан бузиш (*томоқдан бирор нарса ўтиши, икки йўлдан бирига жимоъ қилиш).* Томоқдан бошқа йўлдан, масалан, бурун, қулоқ, аёлнинг олди, эркагу аёлнинг орқасидан дори ёки шу каби нарса кирса, фақат қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

Шунингдек, олд-орқадан бошқа жойга жимоъ қилиниб, маний тўкилса ҳам қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди. Агар маний тўкилмаса, қазо ҳам лозим бўлмайди.

– рўзани маънан бузиш (баданга манфаат берадиган, озуқа ёки даво бўладиган, лаззат ҳосил қиладиган, инсон таъби ейишга мойил бўладиган нарсаларнинг томоқдан ўтиши). Озуқа ёки даво бўлмаган, инсон таъби ейишга мойил бўлмайдиган (тош, кесак, тиш ковагидаги каби) нарсалар томоқдан ўтса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди. Зеро, бу ҳолатлар ейиш бўлса ҳам, озуқа ейиш ҳисобланмайди (доимо кесак еб юрадиганлар бундан мустасно);

– рўзани қасдан бузиш (адашиб эмас). Таҳорат ёки

t.me/Savollar_kanal

ғусл қилаётганда беихтиёр томоқдан сув ўтиб кетса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди. Рўзадорлигини унутиб, еб-ичиб қўйса, ёғаётган ёмғир томчиларини ютиб юборса қазо ҳам, каффорат ҳам вожиб бўлмайди.

– рўзани ўз ихтиёри билан бузиш (мажбурланиш бундан мустасно). Бировнинг мажбурлаши туфайли рўза очилса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди;

– рўзани заруратсиз бузиш (зарурат юзасидан бузиш бундан мустасно). Рўзани очишга қаттиқ ташналик, очлик, беморлик каби зарурат пайдо бўлса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди;

– рўза бузилгандан кейин рўзани очишни мубоҳ қиладиган ҳолат бўлмаслиги. Масалан, рўзани қасддан очгандан кейин ҳайз ва нифос келиб қолиши, қаттиқ ташналик, очлик, оғир касаллик каби ҳалок қиладиган ёки бирор аъзога талафот еткизадиган даражада ҳолат юзага келиб, рўзани очиб юборилса қазо лозим бўлиб, каффорат соқит бўлади.

– рўзани мусофир ё бемор бўлмай туриб бузиш. Агар мусофир ё бемор бўлатуриб рўза тутса-ю, кейин рўзасини очиб юборса, қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

t.me/Savollar_kanal

– Рамазон рўзасини адо қилаётганда рўзани очиб юбориш. Бундан бошқа рўзалар бузилса, шунингдек, Рамазоннинг қазо рўзаси бузилса ҳам каффорат вожиб бўлмайди.

– Субҳи содиқдан аввал ният қилинган рўзани бузиш. Субҳи содиқдан кейин ният қилиб, кейин рўзасини очиб юборса, каффорат вожиб бўлмайди.

– бирор шубҳа туфайли рўзани очиш. Агар қуёш ботди деб ўйлаб, ифторлик қилган бўлса, субҳи содиқ кирмади, деб еб-ичган бўлса, қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

Савол: рўзанинг каффорати қандай адо этилади?

Жавоб: 1) бир қул озод қилиш; 2) қулга имконияти бўлмаса, кетма-кет икки ой рўза тутиш (алоҳида бир кун қазоси ҳам тутилади); 3) бунга ҳам имконияти бўлмаса, олтмиш кишини эрталаб ва кечқурун таомлантириш;

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ ، فَقَالَ: هَلَكْتُ يَا رَسُولَ الله، قَالَ: «وَمَا أَهْلَكَكَ؟» قَالَ: وَقَعْتُ عَلَى امْرَأَتِي فِي رَمَضَانَ، قَالَ: «هَلْ تَجِدُ مَا تُعْتِقُ رَقَبَةً؟» قَالَ: لاَ، قَالَ: «فَهَلْ تَسْتَطِيعُ أَنْ تَصُومَ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ؟» قَالَ: لاَ، قَالَ: «فَهَلْ تَجِدُ مَا تُطْعِمُ سِتِّينَ مِسْكِينًا؟» قَالَ: لاَ، – قَالَ – ثُمَّ جَلَسَ، فَأُتِيَ النَّبِيُّ ﷺ بِعَرَقٍ فِيهِ تَمْرٌ، فَقَالَ: «تَصَدَّقْ بِهَذَا» قَالَ: أَفْقَرَ مِنَّا؟ فَمَا بَيْنَ لاَبَتَيْهَا أَهْلُ بَيْتٍ أَحْوَجُ إِلَيْهِ مِنَّا، فَضَحِكَ النَّبِيُّ ﷺ حَتَّى بَدَتْ أَنْيَابُهُ، ثُمَّ قَالَ: «اذْهَبْ، فَأَطْعِمْهُ أَهْلَكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

t.me/Savollar_kanal

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Ҳалок бўлдим, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. «**Сени нима ҳалок қилди?**» дедилар. «Рамазонда хотинига яқинлик қилиб чиқиб қўйдим», деди. «**Озод қилишга қул топа оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. «**Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. «**Олтмиш мискинга таом беришга нарса топа оласанми?**» дедилар. «Йўқ», деди. Сўнгра кутиб ўтирди. Шу пайт Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бир замбил хурмо келтирилди. У зот (ҳалиги одамга) «**Мана буни садақа қилиб юбор**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзимдан ҳам фақирроққами? Аллоҳга қасамки, унинг (Мадинанинг) икки чети орасида биздан кўра муҳтожроқ хонадон йўқ», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб юбордилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: «**Бор**, **уни аҳлингга таом қилиб бер**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Савол: зиммасига каффорат лозим бўлган киши икки ой кетма-кет рўза тутмай, олтмишта мискинни таомлантирса ҳам бўладими?

Жавоб: рўза тутишга қодир бўлатуриб

таомлантириш билан каффорат адо бўлмайди. Каффоратни адо қилиш учун аввало бир қул озод қилиш керак. Бунга имкони бўлмаса, икки ой кетма–кет рўза тутиши керак. Бунга ҳам қодир бўлмаса олтмишта мискинни таомлантириши керак.

Савол: Рамазоннинг қазоси ва каффоратини тутаётган киши субҳи содиққача ният қилишга улгурмаса нима қилади?

Жавоб: Рамазоннинг қазоси ва каффоратини тутаётган киши субҳи содиқ кирмасидан аввал рўза тутишни ният қилиши шарт. Агар субҳи содиқдан кейин ният қилса, нияти эътиборли бўлмайди. Шунинг учун саҳарликка тура олмай қолишидан қўрққан киши қуёш ботганидан кейин «Эртанги куннинг қазо ва каффоратини тутишни ният қилдим», деса кифоя. «Эртага рўза тутаман, иншааллоҳ», деса нияти дуруст бўлади.

Савол: икки ой каффорат рўзасини тутаётган киши ўртада бемор бўлиб қолса нима қилади?

Жавоб: беморлиги туфайли каффорат рўзани охиригача тута олмай қолган киши соғайиб кетгач, бошидан бошлаб икки ой рўза тутади. Каффорат рўзасини тутаётган эркак ёки аёл қайсидир узр туфайли икки ой ичида бирор кун рўзасини очиб юборса, яна қайтадан бошлайди. Лекин аёлнинг ҳайз

кўриши бундан мустаснодир. Нифос эса мустасно эмас.

Савол: қасддан бир неча рўзасини очиб юборган кишига неча марта каффорат лозим бўлади?

Жавоб: бир Рамазон ойининг бир неча кунлик рўзасини қасддан очган кишига битта каффорат кифоя қилади. Бир неча Рамазон ойининг рўзаларини қасддан очган кишига ҳар бир Рамазон ойи учун алоҳида-алоҳида каффорат лозим бўлади.

Уламолар бир Рамазон ойининг бир кунида бир неча бор еб-ичиб қўйиб, рўзасини қасддан очиб юборган кишининг битта каффорат тўлаши борасида иттифоқ қилишган.

Савол: каффорат вожиб бўлишини билмай, Рамазоннинг рўзасини қасддан бузиб қўйган кишига ҳам каффорат лозим бўладими?

Жавоб: Рамазон рўзасини қасддан бузган кишига каффорат лозим бўлади. Бунинг ҳукмини билмаслиги узр саналмайди. Ким икки йўлнинг бирига қасддан яқинлик қилса, озуқа ёки даво бўладиган нарсани еб-ичиб қўйса, зиммасига қазо ва каффорат лозим бўлади. Бунда аввало бир қул озод қилади. Бунга имкони бўлмаса, икки ой кетма-кет рўза тутиб беради. Унга ҳам қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдиради.

Савол: эр аёлини мажбурлаб яқинлик қилса, аёлга ҳам каффорат лозим бўладими?

Жавоб: аёл ҳам бошидан хоҳлаб рози бўлса, қазо ҳам, каффорат ҳам лозим бўлади. Агар аввалида рози бўлмай, эр яқинликни бошлаб юборганидан кейин рози бўлса, қазо лозим бўлиб, каффорат лозим бўлмайди.

РЎЗАНИ БУЗМАЙДИГАН НАРСАЛАР

Агар рўзадор беихтиёр қайт қилиб юборса, рўзаси эсидан чиқиб, оғзини очиб юборса ёки эҳтилом бўлса, шаҳват билан қарагани учун манийси тўкилса, томоғига чанг, тутун ёки пашша кирса, рўзаси бузилмайди, қазосини тутмайди.

عَنْ أَبِي سَعِيد الخُدْرِيِّ ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «ثَلاَثٌ لاَ يُفْطِرْنَ الصَّائِمَ: الحِجَامَةُ، وَالْقَيْءُ، وَالاِحْتِلاَمُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уч нарса рўзани очмайди**: **қон олдириш**, **қайт қилиш ва эҳтилом бўлиш**», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бошқа жинсдаги шахсга шаҳват назари билан қараб туриб манийси тўкилган кишининг рўзаси

очилмаслиги бу ишда жинсий яқинликнинг сурати ҳам, маъноси ҳам йўқлиги учундир. Томоғига чанг, тутун ёки пашша кирганда рўза очилмаслиги эса бу нарсалардан сақланишнинг иложи йўқлиги учундир.

Агар тиш орасига кириб қолган нўхатдан кичикроқ нарса ютиб юборилса, рўза бузилмайди. Аммо ўша нарсани оғзидан чиқариб туриб, кейин еса, рўза бузилади, чунки оғизнинг ичида, тишларнинг орасида озгина таом қолиши мумкин. Бундай оз нарса тупукнинг ҳукмида бўлади. Аммо нўхат донасидек ёки ундан катта бўлса, рўзадор одам уни емаслиги, ютмаслиги керак.

Кичик нарсани, масалан, бир дона кунжутни чайнаб еса ҳам рўза очилмайди, чунки у чайнаганда майдаланиб, тишларига ёпишиб қолади ва қорингa ҳеч нарса етиб бормайди. Аммо ўша кунжутни бутунича ютиб юборса, рўза очилади.

Қайт қилганда қусуқ кўп бўлса ва ичга қайтариб юборилса, рўзани бузади. Бу имом Абу Юсуфнинг гаплари. Аммо имом Муҳаммад бузмайди деганлар ва бу гап амал учун қабул қилинган. Қорни тўйиб кетганидан еган нарсаси оғзига келиб, ўзи қайтиб кетса, рўза бузилмайди.

Одам ўзини мажбур қилиб қайт қилса, рўзаси очилади, чунки бунда рўзадорнинг ўз амали бор.

t.me/Savollar_kanal

РЎЗАНИ БУЗАДИГАН ВА БУЗМАЙДИГАН АМАЛЛАРГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: нафас қисиш оқибатида томоғига аэрозоль сепса, рўзаси очиладими?

Жавоб: томоқдан ичкарига ўтган ҳар бир нарса рўзани очади. Аэрозоль сепилганда ҳам дори ичкарига ўтади, шу сабабли рўза очилади. Шунинг учун бундай касалликка дучор бўлганлар қишнинг қисқа кунларида аэрозоль ишлатмасдан рўза тутишга қодир бўлишса, қазосини тутиб беришади. Агар қиш кунида ҳам аэрозоль ишлатмай тура олишмаса, рўза тутиб, эҳтиёт юзасидан ҳар кунига фитр миқдорича, яъни икки килограмм буғдойни ёки унинг қийматини фидя қилиб бериб турганлари афзал.

Савол: милки қонаб, қони ичкарига кетиб қолган кишининг рўзаси очиладими?

Жавоб: агар қон томоғидан ўтиб, ичкарига етса, рўза очилади. Тишлари орасидан қон чиқиб, халқумида қолса, ичкарига ўтиб кетмаса, рўза очилмайди. Агар халқумдан ичкарига кетса, қон миқдори тупукдан кўп ёки тенг бўлса ёки қоннинг таъми сезилса, рўза очилади. Қон тупукдан оз бўлса, рўза очилмайди.

Савол: ғусл вожиб бўлган киши бурнига сув олганда

сув ичкарига кетиб қолса, рўзаси очиладими?

Жавоб: ғуслда бурунниng юмшоғигача сув етказиш фарз, қаттиқ жойига сув етказиш эса суннат. Рўзадор рўзадорлигини билатуриб оғзига ёки бурнига сув олсаю, сув ичкарига кетиб қолса, рўзаси очилади, қазо лозим бўлади. Агар рўзадорлиги эсида бўлмаса, рўзаси очилмайди.

Савол: қулоқ ёки киндикка сув киргизилса, рўза очиладими?

Жавоб: киндикка сув киргизиш билан рўза очилмайди. Қулоққа ғусл пайтида сув кириб кетса ҳам рўза очилмайди. Лекин қасддан киргизилса ва мия тарафга етиб борса, рўзанинг очилиш-очилмаслигида ихтилоф бор. Хулоса шуки, қулоққа дори томизилса рўза очилишига, сув кирса очилмаслигига иттифоқ қилинган.

Савол: сигарет, нос чекиш билан рўза очиладими?

Жавоб: сигарет чекиш, тамаки ва носга ўхшаш воситаларни истеъмол қилиш билан рўза очилади.

Савол: рўзадор одам тиш пастаси билан тишини тозаласа бўладими?

Жавоб: рўзадор ҳолатда тиш пастасини ишлатиш макруҳ. Лекин томоғидан ичкарига ўтиб кетмаса, рўза очилмайди.

t.me/Savollar_kanal

Бирор нарсани оғзига солиб, татиб кўриш макруҳ, лекин бунда рўза очилмайди (лекин татиб кўрган нарсасини ютиб юборса рўза очилади).

Савол: укол (инъекция) қилиш билан рўза бузиладими?

Жавоб: уламолар мушаклар орасига, ёнбошга укол қилиш билан рўза бузилмаслигига иттифоқ қилишган. Тери орасидан ичкарига ёғ каби нарсаларнинг кириши рўзани очмайди.

Одатий йўллардан бошқа жойлар орқали терининг орасига нарса кириши, масалан, илон чақиб олиши (томирдан чақса ҳам), совуқ сувда ғусл қилиш натижасида бадан орасидан ичкарига сув ўтиши рўзани очмаслигига барча уламолар иттифоқ қилишган.

Савол: тиш олдирса рўза очиладими?

Жавоб: рўзанинг очилиш-очилмаслиги томоқдан бирор нарса ўтиш-ўтмаслигига боғлиқ. Тиш олдираётганда томоқдан бирор нарса ўтиб кетмаса, рўза очилмайди.

Савол: ғарғара қилиш билан рўза очиладими?

Жавоб: рўзадор кишининг ғарғара қилиши макруҳ. Ичкарига сув кетиб қолса, рўза очилади.

Савол: эсдан чиқариб еб-ичган одам эсига тушгач таомланиб қўйса, рўзаси очиладими?

t.me/Savollar_kanal

Жавоб:

1) эсдан чиқариб еб-ичиш билан рўза очилмайди.

2) Эсдан чиқариб еб-ичгандан кейин «Рўзам очилди» деб ўйлаб таомланиб қўйса, қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

3) Эсдан чиқариб еб-ичиб қўйса рўза очилмаслигини билатуриб таом еб қўйса қазо ҳам, каффорат ҳам вожиб бўлади. Қайт қилишнинг ҳукми ҳам шундай: қайт қилгач, «энди рўзам очилди» деб ўйлаб, таом еб юборса, қазо лозим бўлади, каффорат эмас. Лекин бу иш рўзани очмаслигини билатуриб таомланиб юборса, каффорат ҳам вожиб бўлади.

Савол: ғийбат қилса, ёлғон гапирса рўза очилади деб ўйлаган киши ғийбат қилиб қўйиб, қасддан таом еса каффорат лозим бўладими?

Жавоб: шундай деб ўйлаб, қасддан еб-ичиб юборса, қазо ҳам, каффорат ҳам вожиб бўлади.

Савол: қўли билан шаҳватини қондирса, рўза очиладими?

Жавоб: бу иш ҳар ҳолатда ҳам гуноҳ ҳисобланади. Қўли билан шаҳватини қондирса, маънан яқинлик ҳолати топилиб, суратан топилмагани учун рўза очилади ва қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди.

t.me/Savollar_kanal

Савол: рўзадор кундузи ухлаб, тушида эҳтилом бўлиб қолса, рўзаси очиладими?

Жавоб: тушида булғанса ёки қараш туфайли маний тўкилса, рўза очилмайди (қўли билан ушлаши натижасида ёки бирор нарсага ишқаланиш оқибатида маний тўкилса, қазо лозим бўлади).

Савол: рўзадор киши исириқ, буғ ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳидласа рўзаси очиладими?

Жавоб: рўзадорлиги эсида туриб, қасддан тутун ютса, исириқ ҳидини ютса, доривор ўтларнинг буғини оғиз-бурни билан ичига ютса, рўзаси очилади.

Савол: суриладиган дори (мазь) ва шу каби воситаларни баданга суртса рўза очиладими?

Жавоб: рўза очилмайди. Терининг орасидан ёғ каби нарсаларнинг ичкарига кириши рўзани очмайди.

Савол: рўзадор шўр сувда оғзини чайса бўладими?

Жавоб: сув чучук бўлсин, шўр бўлсин, рўзадор у билан таҳорат олса ҳам, оғзини чайса ҳам бўлади.

Савол: касал ва мусофир Рамазон ойида рўза тута олмаса-да, ўзини еб-ичишдан тўхтатиб туриши керакми?

Жавоб: Рамазон кунларида бемор бўлган ва сафарга чиққан кишилар рўзадорга ўхшаб ўзини еб-ичишдан тўхтатиб туришлари лозим бўлмайди. Лекин

таомланмоқчи бўлсалар ошкора эмас, балки одамлардан холироқ жойда таомланишлари афзал.

Савол: рўзадор сув билан муболағали тарзда истинжо қилса, бавосил (геморрой) касалига дучор бўлганлар ўша жойларига дори қўйишса, рўза очиладими?

Жавоб: истинжода сув, бавосил касаллигида дорилар орқа аъзонинг ҳуқна (клизма) қилинадиган жойигача етиб борса, рўза очилади. Етиб бормай, ташқарида қолса, очилмайди. Агар истинжони муболаға тарзида қилсаю, клизма қилиш ўрнигача етиб борса, рўзаси очилади.

Савол: рўзадор одам иситмалаб қолса, укол қилиш натижасида рўзаси очиладими?

Жавоб: ҳапдори (таблетка) қабул қилиш билан рўза очилади, ёнбошга ёки мушакка укол қилинса очилмайди. Рўзани очувчи нарсалар одатий йўллардан кирадиган нарсалардир (одатий йўллар оғиз, бурун, қулоқ, ва олд–орқа жинсий аъзолардир. Бундан бошқа жойдан кирган нарсалар рўзани очмайди).

Савол: сурма қўйиш билан рўза очиладими?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзадор ҳолатларида сурма қўйганлар. Сурмани кўп қўйиш натижасида ҳалқумида сурманинг таъмини

сезса ҳам рўза очилмайди.

Савол: ошқозон касаллиги билан оғриган рўзадор бемор зонд ютса бўладими?

Жавоб: зонд қуруқ ҳолатда ютилса ва қайтариб чиқариб олинса, рўза очилмайди. Агар бирор таомни ипга боғлаб, ютса ва ипнинг бир учи қўлида қолса, яъни қайтариб чиқариб олиш мумкин бўлса, рўза очилмайди. Ип узилиб кетса рўза очилади.

Савол: жароҳатларга дори қўйилса рўза очиладими?

Жавоб: фуқаҳолар икки турдаги жароҳатга дори қўйилса, рўза очилади деб иттифоқ қилишган:

а) Бошнинг миягача етиб борадиган чуқур жароҳати;

б) Ошқозонга етиб борадиган жароҳат;

Бу икки жароҳат мия билан ошқозонга бевосита нарса етиб боришига олиб борувчи жароҳатдир. Ошқозон ва мияга етиб борадиган чуқур жароҳатга қўйилган дори у жойларга етиб борса, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг наздида рўза очилади. Булардан бошқа жароҳатлар, қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, рўзани очмайди,чунки бу жароҳатларга қўйилган дорилар тўғридан–тўғри ошқозон ва мияга етиб бормайди. Агар болдирнинг ичига дори етиб борса ёки унга пичоқ ё шу каби нарса санчиб олинса, тиғи илигигача етиб борса, шак–

шубҳасиз рўза очилмайди, чунки у ичкари аъзо ҳисобланмайди.

Савол: рўзадорнинг кўзига дори қуйилса, рўзаси очиладими?

Жавоб: ҳанафий мазҳабига кўра рўза очилмайди. Лекин бошқа мазҳаб соҳиблари «рўза очилади» дейишади. Тиббиёт соҳасининг мутахассислари ҳам кўз орқали бурун, оғиз каби халқумга йўл борлигини таъкидлашади. Шунинг учун рўзадор ҳолатда кўзига дори томизадиганлар буни саҳарликдан олдинга ва ифторликдан кейинга кечиктирганлари афзал.

Савол: эркак кишининг олд жинсий аъзосининг ичидан таҳлил (анализ) олинса ёки дори юборилса, рўзаси очиладими?

Жавоб: очилмайди. Эркак кишининг олд жинсий аъзосининг ичига нарса томизилса, Абу Ҳанифа ва Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимолар наздида рўза очилмайди.

Савол: кислород билан сунъий нафас олдирилса рўза очиладими?

Жавоб: соф кислороднинг ўзи бўлса, бошқа бирор дори қўшилмаган бўлса, рўза очилмайди, чунки у нарса оддий ҳаводан бошқа нарса эмас. Ҳаво билан эса рўза очилмайди.

Савол: иссиқ кунда рўзадорнинг бурни қонаб кетса, қонни тўхтатаман деб бошини тепага кўтаргани учун қон ичига кетиб қолса, рўзаси бузиладими?

Жавоб: бузилади ва қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди. Рўзадорнинг бурнидан қон келиб қолса, қонни тўхтатишда рўзасини бузмасликка, қоннинг томоғига кетказмасликка ҳаракат қилиши керак.

Савол: рўзадорлигини унутиб, қулоғига дори томизса, рўзаси очиладими?

Жавоб: унутган бўлса очилмайди.

Савол: сақич чайнаса рўза очиладими?

Жавоб: рўзани фақат ҳалқумдан ичкарига ўтган нарса очади. Сақич чайнаганда ҳам ундан бирор нарса ажраб чиқиб, ичкарига кетса, рўза очилади. Ичкарига кетмаса, рўза очилмайди. Лекин рўзадор кишига сақич чайнаш макруҳ. Оқ, аввал чайналиб ажрайдиган нарсаси ажраб бўлган, титилиб кетмайдиган сақични чайнаса рўза очилмайди, лекин бу иш макруҳдир.

Савол: ёш болани эркалаб-ўпиш билан рўза очиладими?

Жавоб: йўқ. Ўпиб-эркалаш билан рўза очилмайди.

Савол: рўзадор тутқаноқ ё шунга ўхшаш бирор сабаб туфайли ҳушидан кетса, рўзаси очиладими?

t.me/Savollar_kanal

Жавоб: йўқ, рўзаси очилмайди. Балоғатга етиш ва ҳушида бўлиш рўзанинг шартларидан эмас. Ёш бола рўзага ният қилгач, балоғатга етса, соғ одам мажнун бўлиб қолса ёки ҳушидан кетиб қолса, рўза очилмайди.

Савол: рўзани очмайдиган ва макруҳ бўлмаган амаллар қайсилар?

Жавоб: рўзани бузмайдиган ва макруҳ бўлмаган амаллар ушбулардир:

1. Сурма қўйиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзадор ҳолларида сурма қўяр эдилар.
2. Мўйлаб ва соқолларга ёғ суртиш.
3. Баданга, бошга ёғ суртиш.
4. Рўзадорнинг таҳоратдан ташқари оғиз-бурнини чайиши, салқинлаш мақсадида ғусл қилиши, бошидан сув қуйиши, сувнинг ичига тушиб олиши, нам латтани баданига ёпиб олиши. Булар Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздларида макруҳ эмас, фатво ҳам шундай, чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзадор ҳолларида жазирама иссиқ туфайли, ташналикни босиш учун бошларидан сув қуяр эдилар. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо рўзадор ҳолатида латтани намлаб, баданига ўраб олар эди. Ибодатга кўмак бўлсин деб, фитрий бетоқатликни кетказиш учун бундай қилишнинг зарари йўқ.

t.me/Savollar_kanal

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ бу ишларни макруҳ санаганлар. Лекин уларнинг макруҳлиги рўзанинг бузилишига олиб келгани учун эмас, балки ибодатни адо қилишда сабрсизлик изҳор қилгани учундир.

5. Рўза ҳолатида, заволдан аввал ҳам, кейин ҳам мисвок ишлатиш макруҳ эмас. Имом Аҳмад, имом Молик, имом Шофеъийларнинг наздида эса заволдан кейин мисвок ишлатиш макруҳ.

6. Рўзадорнинг мушк, атир каби хушбўйликларни ҳидлаши макруҳ эмас.

7. Одамни заифлаштирмаса, қон олдириш мумкин.

8. Қасддан ейилмайдиган, лекин сақланиш қийин бўлган нарсалар халқумдан ўтса ҳам рўза очилмайди. Масалан, ҳавода учиб юрадиган майда ҳашаротлар, тутун, чанг кабилар.

9. Эркаклар пешобни тўхтатиш ёки даволаниш мақсадида жинсий аъзосига бирор нарса киргизиб олса, рўза очилмайди (лекин аёлларда очилади).

10. Рўзадорлигини унутиб, одатий ёки ғайриодатий ишларни қилиш, масалан, еб-ичиш, жимоъ қилиш ёхуд ҳуқна (клизма) қилдириш, қулоққа дори томизиш рўзани очмайди (лекин эсига тушиши билан бу амаллардан тўхташ зарур). Агар қари, заифҳол киши рўзасини унутиб, овқатланаётган бўлса,

t.me/Savollar_kanal

огоҳлантирилмайди. Ёш, бақувват киши бўлса, огоҳлантирилади. У эса огоҳлантиришни эшитган заҳоти оғзидаги нарсаларни ютмай, дарҳол ташқарига чиқариб ташлаши лозим бўлади. Ютиб юборса рўзаси очилади ва қазоси вожиб бўлади, каффорати хусусида эса уламолар турли фикрлар билдиришган.

11. Эркагу аёлнинг тушда эҳтилом бўлиши ҳам рўзани очмайди.

12. Жунуб ҳолда субҳи содиқни қарши олиш рўзани очмайди.

РЎЗАДОРГА МАКРУҲ БЎЛГАН НАРСАЛАР

Рўзадор бирор нарсанинг мазасини татиб кўриши ёки чайнаши макруҳдир (зарурат юзасидан ёш болага овқат чайнаб бериш бундан мустасно). Бу ҳолатларда бирон нарсанинг томоқдан ичкарига кетиб қолиб, рўзани бузиш хавфи бор. Қолаверса, бошқалар кўриб, «рўза тутмаган экан» деб ёмон гумонга боришлари мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, туҳмат мақомларига яқинлашмасин», деганлар.

Рўзадор киши хотинини ўпиши ҳам макруҳдир, чунки ундан кейин жимоъ ва маний тушиши хавфи бор.

Рўза тутган одамнинг мисвок ишлатиши жоиз

t.me/Savollar_kanal

эканини жумҳур уламолар таъкидлашган.

Рўзадор учун макруҳ бўлган амаллар қуйидагилардир:

1. Узрсиз бирор нарсани татиб кўриш ва чайнаш. Бу рўзанинг бузилишига олиб келиши мумкин.

2. Сақич чайнаш.

3. Қучоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни қўзғайдиган ишлар.

4. Қасд билан тупукни оғизда тўплаб, уни ютиш.

5. Қон олдириш каби рўзадорнинг заифлашишига олиб борадиган ишларни қилиш.

РЎЗАДА МАКРУҲ БЎЛГАН АМАЛЛАРГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: рўзани очмайдиган, лекин макруҳ бўлган амаллар қайсилар?

Жавоб:

1. Тупукни оғизда тўплаб, сўнг ютиб юбориш;

2. Гапираётган, зикр қилаётган, ўқиётган чоғда лаблари ҳўл бўлса, ўша ҳўлликни ютиш;

3. Оғзидан оқаётган сўлакни қайтадан ютиб юбориш;

4. Оғизни чайгандан сўнг қолган намликни тупук билан бирга ютиб юбориш;

5. Шамоллаш туфайли оққан ва оғиз ё бурундан

t.me/Savollar_kanal

ташқарига чиққан балғамни нафас олиб, ичкарига тортиш (лекин ичкарига ютгандан ташқарига чиқариб юборган афзал);

6. Бирор нарсани татиб кўриш (ютиб юборса рўза очилади);

7. Бирон нарсани узрсиз чайнаш (ютиб юборса рўзаси очилади);

8. Оғиз-бурунни чайиш ва истинжо қилишда муболаға қилиш, яъни ошириб юбориш;

9. Сувнинг ичида турган ҳолда ел чиқариш;

10. Маний тўкилиб кетиш хавфи бўлмаса, қучоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни қўзғатадиган ишлар рўзани очмайди;

11. Эр-хотиннинг кийимсиз ҳолда баданларини бир-бирига теккизиши, лабини тишлаши, сўриши, ўпиши;

12. Заифлашишга олиб борадиган даражада қон олдириш;

13. Ғийбат ва шу каби амалларни қилиш рўзани очмайди;

14. Аёлга қараш ёки у ҳақда хаёл суриш оқибатида маний тўкилиши.

Савол: рўзадор ўзининг аёлини қучоқлаб, ўпганда жинсий аъзосидан бирор нарса чиқса, рўза бузиладими?

Жавоб: бу каби ҳолатларда жинсий аъзодан чиққан

сув мазий дейилади ва бу билан рўза очилмайди. Агар шаҳват билан маний отилиб чиқса, рўза очилади. Рўза очилиб кетишидан қўрқиб туриб ўпиш, ушлаш, қучоқлаш, кийимсиз ҳолда бир-бирларига баданларини теккизиш макруҳдир. Рўза очилишининг хавфи бўлмаса, макруҳ эмас.

АЁЛЛАРГА ХОС МАСАЛАЛАР

Савол: аёл киши ҳайз кунларида рўза тутса бўладими?

Жавоб: ҳайз ва нифос чоғида рўза тутиш жоиз эмас. Поклангандан кейин қазоси тутиб берилади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бизга ўша ҳолат етганда рўзанинг қазосини тутишга буюрилар эдик, намознинг қазосини ўқишга эса буюрилмас эдик».

Ушбу ҳадисга кўра ҳайз ва нифос кўрган аёллар рўзанинг қазосини тутадилар, лекин намознинг қазосини ўқимайдилар.

Савол: аёл киши рўза тутаётганда ҳайз қони келиб қолса нима қилади?

Жавоб: ўз-ўзидан рўзаси очилиб кетади ва зиммасига қазосини тутиб бериш лозим бўлади.

Савол: рўзани тўлиқ тутиш мақсадида дори

t.me/Savollar_kanal

истеъмол қилиб, ҳайз қонини кечиктирса бўладими?

Жавоб: одатий қон келмагунча аёл киши пок саналади ва рўза тутиши жоиз бўлади. Қонни тўхтатиб туриш-турмаслик борасида шаръий қайтариқ йўқ. Бу иш аёл кишининг соғлигига зарар қилмаса жоиз, зарар қилса жоиз эмас.

Савол: рўзаси туфайли эмизикли аёлнинг сути камайса ёки тўхтаб қолса рўзани тутмаса бўладими?

Жавоб: агар бола сут ўрнини босадиган нарсаларни истеъмол қилаверса ёки бошқа аёлнинг сутини эмаверса, онага рўзани тўхтатиш жоиз эмас. Бундай шароит топилмаса, рўза тутишни кейинроққа қолдирса бўлади.

Ҳомиладор ёки эмизикли аёллар рўза туфайли ўз жонларига ёки болаларига хавф сезсалар, рўза тутмайдилар. Уларга каффорат вожиб бўлмайди.

Савол: аёл киши қолдирган рўзаларини кетма-кет тутиб бериши шартми?

Жавоб: узри сабабли қолдирилган рўзанинг қазоси фарз бўлиб, уни имкон қадар тезроқ тутиб бериш лозим. Лекин кетма-кет бўлиши шарт эмас. Фуқаҳоларнинг кўпчилиги қазо рўзани орада қолдирмасдан, кетма-кет тутишнинг мустаҳаб эканига иттифоқ қилишган. Лекин бу нарса шарт қилинмаган.

Савол: аёл кишининг қазо рўзалари жуда кўпайиб кетса, тавба қилиб, истиғфор айтса кифоя қиладими?

Жавоб: бепарволик, дангасалик туфайли қолдирилган рўзалар зиммада вожиб бўлиб тураверади. Уларни адо қилиш фарздир. Тавба, истиғфор билан кечиктирганликнинг гуноҳи кечирилади. Лекин зиммадаги барча қазо рўзаларни тутиб бериш зарур. Қолдирилган рўзаларга одамнинг умри етмаса, қодир бўлганича қазо рўзаларини тутиб, қолганига фидя тўлашни васият қилиш лозимдир. Қодир бўлганича қолдирган рўзаларининг қазоларини тутиш фарз. Бунда фидя тўланмайди, қазонинг кетма–кет бўлиши ҳам шарт эмас.

Узрли аёллар (касаллик, ҳайз ва нифос кўрган аёллар каби) узрлари кетгандан кейин вафот этишса, соғайганидан сўнг ёки ҳайз ва нифоси тўхтаганидан сўнг неча кун яшаган бўлса, ўшанча кунлик рўзанинг –фидясини васият қилиш зиммаларига лозим бўлади.

Савол: каффорат рўзасини тутаётган аёл ҳайз кўриб қолса нима қилади?

Жавоб: қасддан рўзасини очиб қўйгани боис икки ой каффоратини тутаётган аёл орада ҳайз кўриб қолса, каффоратни қайтадан бошлаши шарт эмас. Узри тугагач, келган жойидан давом эттириб кетаверадилар.

Лекин каффорат рўзасини тутаётган аёл бошқа узр

туфайли икки ой ичида бирор кунлик рўзани очиб юборса, қайтадан бошлайди. Бундан ҳайз кўриш мустасно, нифос мустасно эмас.

Савол: рўзадор аёл лабига бўёқ суртса бўладими?

Жавоб: рўза ҳолатида лаб ташқи аъзо ҳисобланади. Унга бўёқ суртиш билан рўза очилмайди.

Савол: Рамазон кунларида ҳайз ёки нифоси тўхтаган аёл куннинг қолган қисмида ўзини еб-ичишдан тўхтатиб туриши вожибми?

Жавоб: Рамазон кунларида ҳайзи ёки нифоси субҳи содиқдан кейин тўхтаган аёл куннинг қолган қисмида ўзини еб-ичишдан тўхтатиб, рўзадорга ўхшаб туриши мустаҳабдир.

Савол: аёл киши бўйи баравар сувни кечиб ўтса рўзаси очиладими?

Жавоб: одатий йўллардан ичига сув киргани аниқ бўлмаса, очилмайди.

Савол: субҳи содиқдан кейин ҳайз қони тўхташ эҳтимоли бор бўлган аёл саҳарлик қилиб, рўзани ният қилса бўладими?

Жавоб: йўқ. Аёл кишининг рўзаси дуруст бўлиши учун субҳи содиқдан аввал ҳайздан покланган бўлиши лозим.

Савол: субҳи содиқдан аввал ҳайз қони тўхтаган аёл

ғусл қилмасдан ҳам рўза тутса бўладими?

Жавоб: ҳайз қони субҳи содиққача ғусл қилса улгурадиган вақт қолганда тўхтаса, ғусл қилмаса ҳам рўза тутиш лозим бўлади. Ҳайз қони субҳи содиққача ғусл қилса улгурмайдиган вақтда тўхтаса, рўза тутиш лозим бўлмайди. Бу ҳайз кўриш одати ўн кундан оз бўлган аёллар учундир. Агар ҳайз ўн кун давом этса, улар рўзани бошлаб, сўнг ғусл қиладилар.

Савол: рўзадор аёл касаллиги туфайли фаржига бирор нарса киритса, рўзаси очиладими?

Жавоб: ичкарига нарса киргани боис рўзаси очилади. Лекин фаржига ёки ортига даволаниш мақсадида субҳи содиқдан аввал ёки ифторликдан кейин бирор нарса қўйса ва шу ҳолатда рўза тутса, рўзаси очилмайди.

РЎЗА ТУТМАСЛИКНИ ЁКИ ТУТГАН БЎЛСА ҲАМ ОЧИШНИ МУБОҲ ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР

Савол: рўза тутмасликни ёки тутган бўлса ҳам очишни мубоҳ қилувчи амаллар қайсилар?

Жавоб: улар қуйидагилардир:

1. **Беморлик**. Ҳалок бўлиши, бирор аъзосига талофат етиши, янги касаллик пайдо бўлиши, мавжуд беморлиги зиёдалашиши хавфи бўлса. Юқоридаги

ҳолатларнинг узр бўлиши учун ўз касбининг моҳир устаси бўлган адолатли мусулмон шифокор томонидан тавсия қилиниши шартдир. Ғайридин, соҳасининг устаси бўлмаган, ибодатларга бепарво шифокорларнинг тавсиялари қабул қилинмайди.

Бемор ўз жонига ёки бирор аъзосига талофат етишидан қўрқса, билижмоъ рўзасини очаверади.

2. **Сафар қилиш**. Мусофир киши рўза тутиш–тутмасликда ихтиёрлидир. Имкони бўлса тутгани афзал. Рўза тутганидан сўнг сафарга чиқса, рўзасини очишга рухсат берилмайди. Очиб юборса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди. Рўза тутганидан сўнг сафарни ният қилсаю, ўз шаҳридан чиқиб кетишидан аввал еб–ичиб юборса, каффорат лозим бўлади.

3. **Мажбурланиш**. Мажбурланиш икки қисм бўлади: 1) ҳалок бўлиш ёки бирор аъзосига талофат етиш хавфи, қаттиқ калтакланиш хавфи; 2) бу даражага етиб бормаган мажбурлаш. Агар саломат ва муқим бир киши ўлимтик, қон, тўнғиз гўштини ейишга мажбур қилинса, мажбурлаш тури биринчи қисмга оид, яъни ўлиб кетиш, бирор аъзосига талофат етиш ёки қаттиқ калтакланиш каби бўлса, унга юқоридаги нарсаларнинг истеъмоли ҳалол бўлади. Сабр қилиб,

t.me/Savollar_kanal

емай ўлиб кетса, гуноҳкор бўлади. Биринчи қисмга оид мажбурланиш билан куфр сўзини айтишга, ибодатларни бажармасликка зўрлансаю, қалби иймонга хотиржам бўлиб, куфр сўзини тилга олса, ибодатларни бажармаса кофир, гуноҳкор бўлмайди.

Бемор ва мусофирлар биринчи қисмга оид мажбурланиш билан рўза тутишга мажбурлансалар рўзаларини очадилар, балки вожиб ҳам бўлади. Ҳаттоки, рўзасини очишдан бош тортиб ўлиб кетишса, гуноҳкор бўлишади);

Агар ўлакса, қон, тўнғиз гўштини ейишга ёки хамр ичишга (қамаб қўйиш, уриш, кишанлаш каби) ортиқча қийнамай мажбурланса, уларни ейиш ва ичиш ҳалол бўлмайди. Агар қаттиқ мажбурланса (ўлдириш, бирор аъзосига талофат етказиш, қаттиқ уриш каби), ҳалол бўлади. Сабр қиламан, емайман деб ўлиб кетса гуноҳкор бўлади. Шунингдек, куфрга шу каби қаттиқ мажбурлансаю, қалби иймонга хотиржам бўлса, куфр лафзини айтишига рухсат берилади. Айтмаса, сабр қилса, савоб олади. Рўза, намоз каби Аллоҳнинг ҳақларини бузиш ҳам шундай.

4. **Ҳомиладорлик;**

5. **Эмизиш** (*ҳомиладор ёки эмизикли аёлга ўзининг ёки боласининг жонига нуқсон ёки ҳалокат етиш хавфи*

t.me/Savollar_kanal

бўлса, рўза тутмасликка, тутган бўлса очиб юборишга рухсат берилади. Бу нарсалар тажриба билан ёки гумони ғолиб бўлиши ёки мусулмон, ўз ишининг устаси бўлган шифокор тавсияси билан билинади)

Ҳомиладор ё эмизикли аёл ўз жонига ёки болаларига хавф сезса, рўзасини очади. Каффорат вожиб бўлмайди.

6. **Очлик;**

7. **Чанқоқлик** (*бу ҳолатлар ҳалокат ёки беморликка олиб борса, рўзани очиш учун узр саналади*);

8. **Қарилик** (*эркагу аёл ёши қартайиб, рўза тутишга кучи етмаса, бу ҳолат умрининг охиригача давом этса, рўза тутмасдан бадалига фидя тўлашлари лозим бўлади).*

Соғайишдан умидини узган, сурункали касалликка дучор бўлган беморга касаллиги туфайли ҳар кунлик рўзаси эвазига фидя тўлаши вожиб бўлади Агар юқоридаги кишилар ёзнинг узун кунларида тута олмай, қишнинг қисқа кунларида тутишга қудратлари етса, рўза тутишлари фарз бўлиб, фидя кифоя қилмайди.

МАВЗУГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: рўза тутмасликка узрли кишиларнинг узрлари тугаса, нима қилишади?

Жавоб: узрлари сабабли неча кун рўза тута

олишмаган бўлса, ўша кунларнинг қазосини тутишлари вожиб бўлади.

Савол: иш туфайли рўзани тарк қилса бўладими?

Жавоб: иш туфайли рўзани тарк қилишга рухсат йўқ. Аммо рўзадорга иш чоғида рўзани очишга шаръий узр пайдо бўлса, рўзасини очади. Унинг зиммасига қазо лозим бўлади, каффорат эмас.

Нафақага муҳтож бўлган касб эгаси иш билан шуғулланса, рўза тутмасликни мубоҳ қилувчи зарар етишини билса ҳам бемор бўлмасидан олдин рўзасини очиши ҳаромдир.

Лекин бошлиқларга Рамазонда қўл остидагиларга ишни енгиллатиш тавсия қилинган.

Савол: касаллиги қайталаниб қолиш хавфи бўлса, рўза тутмаса бўладими?

Жавоб: мусулмон, моҳир, ҳозиқ табиб маслаҳат берса, рўзасини кечиктириб, қазосини тутиши лозим бўлади. Касали зиёда бўлиши ё чўзилиб кетиши хавфи бўлса ҳам шундай (яъни рўзани очса бўлади). Бунда зиммасига қазо вожиб бўлади.

Савол: рўза тутмасликка бўлган рухсат барча турдаги касалликка доирми?

Жавоб: бу ҳукм барча турдаги касалликка эмас, балки фақат рўза тутиш зарар қиладиган касалликларга оиддир. Рўза тутиш зарар қилмайдиган

беморлик рўза тутмасликни мубоҳ қилмайди.

ЭЪТИКОФГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: эътикоф қандай амал ҳисобланади?

Жавоб: Рамазон ойининг охирги ўн кунлигида ҳар бир масжид аҳлига эътикоф ўтириш суннати муаккададир (таъкидланган суннатдир).

Эътикофнинг мисоли жамоат билан таровеҳ намозига қоим бўлишдир. Агар кимдир унга қатнашса, бошқалардан масъулияти соқит бўлади.

Савол: нафл эътикофнинг энг оз миқдори қанча?

Жавоб: нафл эътикофнинг энг ози кечаси ёки кундузи бўлсин, масжидда бироз муддат ўтиришдир.

Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг наздида эътикофнинг энг оз миқдори кеча ва кундуздан бироз вақтдир. Бу Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан ҳам ривоят қилинган.

Савол: таъкидланган суннатни адо қилиш учун неча кун эътикоф ўтириш зарур?

Жавоб: охирги ўн кунликда эътикоф ўтириш таъкидланган суннатдир. Бир–икки кун ўтириш эса нафл бўлади.

Савол: эътикофга қачондан бошлаб кирилади?

Жавоб: эътикоф ўтирмоқчи бўлган одам қуёш ботмасидан аввал масжидга кириб, эътикоф ўтиришни

ният қилади.

Савол: Рамазондан бошқа ойда ҳам эътикоф ўтирса бўладими?

Жавоб: албатта, Рамазондан бошқа ойда ҳам нафл эътикоф ёки назр эътикофларни адо қилса бўлади. Лекин назр эътикофлар учун ҳам, (бир қавлда камида бир кунлик) нафл эътикоф учун ҳам рўзадор бўлиш шартдир. Шунингдек, эътикофнинг қазосини адо қилаётганда ҳам рўзадор бўлиш шартдир.

Савол: аёллар эътикофни қандай адо этадилар?

Жавоб: аёл киши ўз уйининг бир жойини намоз ўқиш учун тайин қилиб, ўша жойда эътикоф ўтиради. Бу билан жамоат масжидида эътикоф ўтирганнинг савобини олади. Табиий эҳтиёжлари учунгина ташқарига чиқишлари мумкин, бошқа ҳолатларда эса чиқиш мумкин эмас.

Савол: жума намози ўқилмайдиган масжидда ҳам эътикоф ўтирса бўладими?

Жавоб: бўлади. Жума намозини ўқиш учун эса жума намози ўқиладиган масжидга бориши мумкин. Эътикоф ўтирувчи жума намозини ўқиш учун бормоқчи бўлган масжидига қуёш тиккадан оққандан сўнг йўлга чиқадиган бўлсаю хутба ва жума намозига кеч қолмайдиган даражада яқин бўлса, қуёш тиккадан оққандан сўнг йўлга чиқади. Агар борадиган масжиди

кеч қоларли масофада жойлашган бўлса, қуёшнинг тиккадан оғишини кутиб турмайди. Лекин иккинчи азондан олдин, тўрт ракъат суннатни ўқий оладиган миқдордаги вақтни мўлжаллаб йўлга чиқиши керак. Масжидда фарздан кейин (фарздан кейинги суннатни тўрт ракъат, деганларнинг фикрига кўра) тўрт ёки (фарздан кейинги суннатни олти ракъат, деганларнинг фикрига кўра) олти ракъат намоз ўқиш миқдорича қолиши мумкин.

Савол: эътикоф ўтирувчи қайси ҳолатларда масжиддан чиқиши мумкин?

Жавоб: эътикоф ўтирувчига бавл қилиш, қазои ҳожат қилиш, эҳтилом бўлиб қолса ғусл қилиш (масжидда ғусл қилиш мумкин эмас) каби инсоннинг табиий ҳожатларидан, ийд намозлари ва азон каби шаръий узрлардан бошқа ҳолатларда масжиддан ташқарига чиқиш мумкин эмас. Юқоридагидек табиий ва шаръий узрларсиз озгина вақтга ташқарига чиқиши билан ҳам эътикофи бузилади.

Савол: эътикофини унутиб, масжиддан чиқиб кетишнинг ҳукми нима?

Жавоб: эътикофи бузилади. Гарчи эсидан чиқиб, узрсиз, оз муддатга ташқарига чиқса ҳам эътикоф фасод бўлади.

t.me/Savollar_kanal

Савол: эътикоф ўтирувчи салқинлаш мақсадида ғусл учун масжиддан ташқарига чиқса бўладими?

Жавоб: жоиз эмас. Лекин намоз учун таҳоратга чиққан пайтда ғусл қилиб олса бўлади.

Савол: бузилган эътикофнинг қазоси вожибми?

Жавоб: вожиб эътикофни бузиб қўйса, рўзадор бўлган ҳолда унинг қазоси ҳам вожибдир. Қазосини Рамазон ойидан бошқа ойларда адо қилади. Ҳанафий мазҳабида рўзадор бўлиш эътикофнинг шартларидан биридир.

Савол: эркаклар ҳам уйда эътикоф ўтирса бўладими?

Жавоб: эътикофнинг шартларидан бири – унинг азон ва иқома айтилиб намоз ўқиладиган жамоат масжидида бўлишидир. Шу нуқтаи назардан эркакларнинг уйда эътикоф ўтиришлари жоиз эмас.

Савол: таъкидланган суннат эътикофига ўтириш учун масжидга қачон кириб, қачон чиқилади?

Жавоб: йигирманчи таровеҳ ўқиладиган кеча қуёш ботишидан аввал масжидга кириб, Рамазоннинг охирги куни қуёш ботганидан сўнг чиқади.

Савол: бир неча кун эътикоф ўтиришни назр қилган кишининг ҳукми нима?

Жавоб: неча кун ўтиришни ният қилган бўлса, шунча кун эътикоф ўтириши, рўзадор бўлиши,

кундузлари билан бирга тунлари ҳам ўтириши вожиб саналади.

Савол: аёл киши эътикоф ўтирган чоғида эри билан яқинлик қилса, нима бўлади?

Жавоб: эътикофи бузилади. Кечаси ё кундузи, эсида туриб ё эсидан чиқариб яқинлик қилиб қўйса, маний тушсин ё тушмасин, эътикоф бузилади. Зеро, тун эътикоф ўтиришнинг пайтидир. Рўзада эса бундай эмас.

Савол: эътикоф ўтирувчи қорни дам бўлгани туфайли масжидда ел чиқариши мумкинми?

Жавоб: масжиднинг ичида ел чиқариш таҳримий макруҳдир. Эътикофдаги одам қорни дам бўлиши туфайли ел чиқармоқчи бўлса, ташқарига чиқиб ел чиқаради ва бу билан эътикофига зарар етмайди. Зеро, масжидда ел чиқариш билан одамлар озорланганидек, фаришталар ҳам озорланади.

Савол: аёл киши охирги ўн куннинг эътикофидалигида ҳайз қонини кўрса, нима қилади?

Жавоб: эътикофдан чиқади. Кейинчалик рўзадор ҳолатда бир кун эътикофнинг қазосини ўтайди. Қолган кунларнинг ҳам эътикофини ўтирса афзалдир. Эътикоф ҳолатида ҳайз кўрган аёлнинг эътикофи бузилади.

Савол: суннат бўлган эътикофда ўтирган киши жума намози ёки салқинлаш мақсадида ғусл қилиш учун масжиднинг ғуслхонасига чиқиши жоизми?

Жавоб: хонақоҳда бўлмай, масжид ҳудудида жойлашган ғуслхонага жума намози ёки салқинлаш учун ғусл қилишга чиқиш жоиз эмас.

ФИТР САДАҚАСИГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: фитр садақасини бериш кимларнинг зиммасига вожиб?

Жавоб: мусулмон эркагу аёл, балоғатга етган–етмаган, хоҳ оқил, хоҳ мажнун бўлсин, нисоб эгаси бўлса, зиммаларига фитр садақасини бериш вожиб бўлади. Шунингдек, моли нисобга етган мусулмон эркак ўзи ва балоғатга етмаган, нисоб эгаси бўлмаган фарзандлари учун фитр садақасини бериши вожиб бўлади. Аёл киши ёки балоғатга етган болалар нисоб эгаси бўлишса, зиммаларига фитр садақаси вожибдир, нисоб эгаси бўлмаса, вожиб эмас.

Фитр садақасини бериш яшаб турган уйи, қиш–ёзда киядиган кийими, кундалик юмушларида ишлатиладиган уй–рўзғор буюмлари каби эҳтиёжига керакли нарсалардан ташқари ўсмаса–да нисобга етарли мол–мулкка эга бўлган ҳур кишининг

зиммасига вожиб бўлади. Уч сидра кийим эгаси бой ҳисобланмайди, чунки улардан бири – уй кийими, иккинчиси – юмушлар учун, учинчиси – жума ва байрамлар учундир. Тўртинчи кийим эса бойликдир.

Савол: фитр садақаси беришдаги нисобнинг меъёри қанча?

Жавоб: 1) Фақат тилласи ҳамда ундан ясалган буюмлари (танга, идиш-товоқ, тақинчоқлар ва совға буюмлари каби нарсалари) 85 граммга етса;

2) фақат кумуши ҳамда ундан ясалган буюмлари (танга, идиш-товоқ, тақинчоқлар ва совға буюмлари каби нарсалари) 595 граммга етса;

3) юқоридагилардан бошқа мол-мулки борлар, яъни ҳожати аслиясидан (яшаб турган уйи, қиш-ёзда киядиган кийими, кундалик юмушларига керак бўладиган уй-рўзғор буюмлари каби эҳтиёжига керакли бўлган нарсалардан) ортиқча мол-мулкнинг қиймати нисобга етса;

4) озгина тилласи, кумуши, мол-мулки борлар барчасини қўшганда қиймати нисобга етса;

Фитр садақасида аслий ҳожатидан ташқари мол-мулкнинг нисобга етишида закотдаги каби ўсувчи бўлиши шарт эмас. Тижорат моли қандай мол бўлмасин, унинг қиймати кумуш ёки тилланинг

нисобига етса, ундан закот вожиб бўлади. Мол эгаси тилла-кумушнинг нисобидан қай бири фақир-мискинларга манфаатли бўлса, фақирлар ҳаққининг эҳтиётини олиб, тижорат молини ўша нисоб билан белгилайди.

Савол: фитр садақаси қачон берилади?

Жавоб: фитр садақасига қодир бўлганлар молларидан бериладиган фитр садақасини ийд намозига чиқишдан аввал ажратиш мустаҳаб эканига барча уламолар иттифоқ қилишган. Лекин қанча муддат аввал бериш борасида турли фикрлар айтилган:

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ: «Бир-икки йиллигини аввалдан бериб қўйса ҳам адо бўлаверади», дейдилар. Ҳанбалийлар: «Намоздан бир-икки кун аввал бериш мумкин», дейишади. Шофеъийлар: «Рамазон кирганидан кейин адо қилинса бўлади», дейишади. Лекин ийд намозигача адо қилмаган бўлса, зиммасидан соқит бўлмагани боис умрининг охиригача қайсидир кунда бериб қўйса ҳам, бўйнидан соқит бўлади.

Шунингдек, бир неча йил фитр садақасини бериш вожиб эканини билмаганлар билганларидан сўнг барча қолдирган йиллари учун бериб фитр садақаларини адо қилса, бўйинларидан соқит бўлади, вожибни бажарган бўладилар.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، قَالَ: فَرَضَ رَسُولُ اللهِ ﷺ زَكَاةَ الْفِطْرِ... وَأَمَرَ بِهَا أَنْ تُؤَدَّى قَبْلَ خُرُوجِ النَّاسِ إِلَى الصَّلَاةِ .رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُودَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини … фарз қилдилар. Уни одамлар намозга чиқишидан олдин адо этишга амр қилдилар**».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ривоят қилишган.

Савол: закот ва фитр садақаси нисоблари ўртасида фарқ борми?

Жавоб: фарқ бор. Закот беришда мол:

1. Тилла ё кумуш бўлиши керак;
2. Тижорат моли бўлиши керак (ҳар қандай тижорат моли бўлса ҳам);
3. Йилнинг кўпроқ қисмида яйловларда ўтловчи чорва ҳайвонлари: туя, мол, қўй, эчки бўлиши керак;
4. Ўсувчи бўлиши керак;
5. Қамарий бир йил ўтган бўлиши керак;
6. Аслий ҳожатидан ташқари бўлиши керак;

Фитр садақасида мол:

1. Аслий ҳожатидан ташқари, нисобга етган мол-мулки бўлиши шарт;
2. Тижорат ниятида бўлиши шарт эмас;

t.me/Savollar_kanal

3. Ўсувчи бўлиши шарт эмас;

4. Бир йил тўлиши шарт эмас;

Фитр садақасини берувчи:

1. Мусулмон бўлиши керак;

2. Ҳур бўлиши керак (қулнинг номидан ҳам берилади);

3. Балоғатга етган бўлиши керак (нисоб эгаси балоғатга етмаган фарзандлари номидан ҳам беради, балоғатга етмаган нисоб эгаси бўлган бола номидан ҳам берилади);

4. Оқил бўлиши лозим (мажнун нисоб эгаси бўлса, валийлари унинг номидан ҳам берадилар);

5. Нисоб эгаси бўлиши керак.

Савол: фитр садақаси ҳамда закотларни масжидга ёки болалар уйига берса бўладими?

Жавоб: закот ва фитр садақаси мискиннинг ҳаққи бўлиб, уларга мулк қилиб берилиши керак. Агар булар масжид ёки болалар уйининг таъмирлаш ишларига ишлатиладиган бўлса, закот ва фитр садақаси адо бўлмайди. У жойдаги мутасаддилар тушган закот ва фитр садақасини фақир-мискинлар ва бошқа эҳтиёжларга сарф қилсалар жоиз. Закот (фитр садақаси) билан масжид қурилмайди ҳамда маййит кафанланмайди.

t.me/Savollar_kanal

ФИДЯГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: ҳаж ибодатида «ҳажжи бадал», яъни бошқанинг ўрнига ҳаж қилиш мавжуд. Шу каби рўзада ҳам бировнинг ўрнига рўза тутиш мумкин бўладими?

Жавоб: намоз ва рўза баданий ибодат бўлиб, ўзгалар тарафидан бажарилиши билан адо бўлмайди. Шариат фидяни қайсидир сабаблар билан рўза тутишга қодир бўлмаган инсонга тайин қилган.

Рўзадорнинг ўрнига валийси рўза тутиб бермайди, намоз ўқиб бермайди. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бирор киши бошқанинг ўрнига рўза тутмайди, бошқанинг ўрнига намоз ўқимайди**», деганлар.

Савол: фидя қанча миқдорда ва қандай адо этилади?

Жавоб: фидя Аллоҳ таоло тарафидан бандаларига енгиллик қилиб юборилган ҳукмдир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Рўза тутишга қодир бўлмаганлар зиммасига фидя тўлаш вожибдир**».

Ҳар кунлик фидянинг миқдори фитр садақаси миқдоричадир, яъни буғдойдан ярим соъ – 1900 гр, арпа ва хурмодан бир соъдан – 3800 гр. ёки буларнинг қийматини бериш билан ҳам фидя адо қилинган бўлади.

Рўзадан ожиз қолганлар рўза тутмай, фидясини

беришлари вожибдир. Рамазон ойининг аввалида бўлса ҳам, бир нечта фақирга бермай, бир фақирга берса ҳам. Фитр садақасига ўхшаб буғдойдан ярим соъ, хурмо ва арпадан бир соъ адо этилади.

Савол: Рамазон ойи фидясини ҳам фитр садақаси каби муддатдан аввал адо қилса бўладими?

Жавоб: Рамазон ойи фидясини Рамазон ойи кирмасидан аввал бериш жоиз эмас. Рамазон ойи киргач эса бўлаверади, яъни Рамазоннинг биринчи кунида қолган кунлар фидясини берса жоиз.

Савол: сурункали беморлар, заифлиги туфайли рўза тута олмаганлар касалликлари ва заифликлари сабабли бир неча йил рўза тута олмасалар, лекин фидя тўлаганларидан кейин соғайиб, қувватга киргач, рўза тута оладиган бўлиб қолсалар, нима қилишади?

Жавоб: бундай кишилар рўза тутишга қодир бўлиб қолишса, аввалги берган фидялари бекор бўлиб, гарчи бир неча йиллик бўлса ҳам фидяси берилган кунлар рўзасининг қазосини тутишлари вожиб бўлади.

Рўза тутишдан ожиз қолганлар қачон рўза тутишга қодир бўлишса, қазосини тутадилар. Зеро, фидя рўзанинг ўрнига ўтиши учун рўза тутишдан ожизлик умрининг охиригача давом этиши шартдир. Айни вақтда рўза тутишдан ожиз қолган ва келажакда рўза тута олишдан умиди узилган киши рўза тутмай,

мискинларнинг қўлларига беради ёки чақириб таомлантиради.

Савол: фидяни адо этишда буғдой, хурмо, арпа билан тўлов адо этилиши фиқҳий китобларда келтирилган. Буларнинг ўрнига қийматини бериш билан ҳам фидя адо этилган бўладими?

Жавоб: қийматини берса ҳам фидя адо бўлади. Бу нарсаларда қийматни адо қилиш ҳам жоиз. Назр ва қул озод қилишдан бошқа каффоратда, закот, ушр, хирож ва фитр садақада қийматни бериш жоиз. Зиммасига бериш вожиб бўлган кундаги қиймат эътиборлидир.

Савол: рўзанинг фидяси кимларга берилади?

Жавоб: мискинларга, фақирларга, бева-бечораларга, ночорларга, закотга қодир бўлмаганларга берилади. Орасида туғишганлик ва эр-хотинлик алоқаси борларга, яъни ўзининг фарзандларига, фарзандининг фарзандларига, отасига, эрига, хотинига, бойларга, закотга қодир бўлганларга, закот бериш мумкин бўлмаганларга берилмайди.

Савол: қазо рўзаларнинг фидясини бир вақтда битта мискинга берса бўладими?

Жавоб: бир неча кунларнинг фидясини бир мискинга бир вақтда бериш мумкин. Лекин бу масалада турли хил қарашлар мавжуд бўлгани учун бир неча кунлик фидяни бир неча кишиларга берган

афзал. Лекин бир мискинга бериб қўйган бўлса ҳам адо бўлаверади.

Қасам каффоратининг акси ўлароқ, бир неча кунлик намоз, рўза кабиларнинг фидяларини бирданига фақирлардан бирига бериш жоиз, чунки бунда бир кунда битта фақирга ярим соъдан ортиғини бериш жоиз бўлмайди.

Рўза тута олмаганлар барча фидясини бир кишига бирданига берса жоиз. Лекин қасамни бузганнинг, зиҳорнинг, рўзани очиб юборганнинг каффорати бундай эмас. Лекин Рамазон рўзасини қасддан бузган кишининг каффорат фидясининг олтмиш кунлигини бир кишига бир кунда бериб қўйиши мумкин эмас. Берган тақдирда бир кунлик каффорат фидясини бўйнидан соқит қилган бўлади, холос.

Бир мискинни эрталаб ва кечқурун, олтмиш кун тўйдирса ёхуд олтмиш кун фитр садақаси миқдорича қийматни адо қилса, жоиз бўлади. Ёки олтмиш мискинни эрталаб ва кечқурун бир кун тўйдирса ёхуд алоҳида-алоҳида фитр садақаси миқдорича қийматни адо қилса бўлади.

«Эрталаб ва кечқурун» деган қайддан мурод эрталаб олтмиш мискинни таомлантирсаю, кечқурун бошқа олтмиш мискинни таомлантирса фидя адо бўлган ҳисобланмайди. Токи эрталаб таомланганларга кечки таом ёки кечқурунгиларга нонушта қилиб

t.me/Savollar_kanal

бермагунича. Бир кишини эрталаб таомлантирсаю, кечқурун бошқани таомлантирса, ўша кунги фидя адо қилинмаган бўлади.

Қартайиб қолган кишилар (ёки сурункали касал бўлган беморлар) ва каффорат рўзасининг фидясини адо қилаётганнинг ўртасида фарқ бор, яъни улар (ёки сурункали касал бўлган беморлар) бир мискинга бир кунда фидяларини адо қилсалар бўлаверади.

Савол: қодир бўлатуриб намоз ўқимай ёки рўза тутмай фидясини адо этса, бўйнидан соқит бўладими?

Жавоб: динимизда бу амалларга қодир бўлатуриб фидясини тўлаш билан ўша амаллар бўйнидан соқит бўлмайди. Рўза тутишдан ожиз қолганлар рўза тутишга қодир бўлишса, қазосини тутадилар. Зеро, фидя рўзанинг ўрнига ўтиши учун рўза тутишдан ожизлик умрининг охиригача давом этиши шартдир.

Савол: вафот этганларнинг қазо рўзалари учун фидя бериш зарурми?

Жавоб: намоз ва рўза ўз вақтида бажарилиши лозим бўлган, Аллоҳ таоло томонидан бандаларига фарз қилинган амаллар жумласидандир. Қолаверса, қиёмат кунида биринчи бўлиб сўраладиган амаллардир. Шундай экан, киши бу амалларни ўз вақтида адосини, вақтида адо қилмаган бўлса қазосини, буни ҳам адо

қилмаса вафотидан олдин фидясини беришни яқинларига васият қилиши, яқинлари эса марҳумнинг намоз ва рўзасини қазоларининг фидясини беришлари фарздир.

Зиммасида Рамазон рўзасининг қазолари бор киши вафот этар чоғида қазоларининг фидясини тўлашни васият қилган бўлса, яқинлари унинг тарафидан ҳар кун учун бир мискинни тўйдирадилар. Ҳанафийлар наздида марҳумнинг фидя тўлашга васият қилиши зарурдир. Шофеъийлар наздида эса васият қилмаса ҳам яқинлари унинг фидясини тўлашлари лозимдир. Закотнинг ҳукми ҳам шу кабидир.

Марҳум тарафидан фидяни адо қилишнинг бир неча масалалари бўлиб, уларни билиш ҳар бир кишига зарурдир.

Зиммасида намоз ва рўзаларининг қазоси бор кишига вафотидан аввал уларнинг фидясини тўлашни васият қилиш фарздир. Васият қилмай вафот этса, гуноҳкор бўлади.

Маййит фидя тўлашга васият қилган бўлса, кафанлаш, қабрга қўйиш ва қарзларини тўлашдан кейин қолган бор мол–мулк, уй–жойлари қийматининг учдан биридан унинг фидясини адо қилиш фарз бўлади. Адо қилинмаса, гуноҳ бўлади.

Агар марҳум фидя тўлашга васият қилмаган бўлса ёки мол–мулк қолдирмаган бўлса, меросхўрлар ўз

t.me/Savollar_kanal

ихтиёрлари билан марҳумнинг фидясини тўлашлари улкан савоб ҳамда маййитга раҳм–шафқат ифодасидир.

Назр рўзаларнинг фидялари ҳам Рамазон рўзасининг фидяси кабидир. Масалан, бир киши рўза тутаман, деб назр қилсаю, тута олмай вафот этган бўлса, фидяси тўланади. Ҳар душанба ва пайшанба кунларда рўза тутишни назр қилган одам тута олмай қолгани каби.

Ҳар пайшанба рўза тутаман, деб назр қилса, бирор кун тута олмай қолса, қазоси лозим бўлади.

Маййитнинг фидясини тўлаш чоғида барчасини бир пайтнинг ўзида тўлашга имкон бўлмаса, масалан: уй–жой бору, сотиб фидяни тўлаш ўрнига сотмасдан фидясини тўламоқчи, шунда оз–оздан тўлаш ҳам мумкин.

ТАРОВЕҲ НАМОЗИ

МАВЗУГА ОИД САВОЛ–ЖАВОБЛАР

Савол: хатмга ўтаётган қори икки жойда хатмга ўтиб бериши жоизми?

Жавоб: йигирма ракъат таровеҳ намози суннати муаккададир. Бир жойда йигирма ракъат таровеҳ намозини ўқигандан кейин бошқа жойда ўқиган намози нафл бўлиб қолади. Ортида иқтидо қилувчиларнинг намози суннати муаккада, қорининг ўқиган намози эса нафл бўлади. Усул китобларимизда таъкидланишича, фарз намозини ўқиётган кишининг

t.me/Savollar_kanal

нафл ўқиётганга, соғлом кишининг узрлига иқтидо қилиши жоиз эмаслигига «кучлининг кучсизга иқтидо қилиши жоиз эмаслиги» сабаб қилиб кўрсатилган.

Савол: балоғатга етмаган бола таровеҳда хатмга ўтса, ортида иқтидо қилувчи балоғатга етган кишиларнинг зиммасидан суннати муаккада адо бўладими?

Жавоб: балоғатга етмаган болага таровеҳ нафл ҳисобланади. Иқтидо қилувчи балоғатга етган кишиларга таровеҳ суннати муаккада ҳисобланади. «Кучлининг кучсизга иқтидо қилиши жоиз эмас», деган қоидага биноан иқтидо қилувчиларнинг зиммасидан таровеҳ соқит бўлмайди.

Савол: таровеҳда хатм қилиш қандай амал ҳисобланади?

Жавоб: саҳиҳ йўл ва кучли қавлга биноан таровеҳда Қуръони Каримни бир маротаба хатм қилиш суннат ҳисобланади.

Савол: хатмга ўтаётган имом иккинчи ракъатга ўтиргандан кейин қаъдага ўтиргач учинчи ракъатга туриб кетса ва намозни тўрт ракъат қилиб адо қилса, кейинги икки ракъатнинг ҳукми нима бўлади?

Жавоб: имом икки ракъат ўқиб, қаъдага ўтиргандан кейин ёки қаъдага ўтирмай учинчи ракъатга туриб кетса, нафл намозларда ҳар икки ракъатдан сўнг қаъдага ўтириш зарур бўлгани учун, учинчи ракъатга

сажда қилмаган бўлса, қайта ўтириб, саждаи саҳв билан намозини тугатади. Агар иккинчи ракъатдан кейин қаъдага ўтириб, кейин туриб, намозни тўрт ракъат қилса, аввалги икки ракъат ҳам, кейинги икки ракъат ҳам дуруст бўлади. Қироатни қайтадан адо қилишга ҳожат йўқ.

Савол: қори хатм вақтида иккинчи ракъатдан кейин қаъдага ўтирмай, учинчи ракъатга туриб кетса нима бўлади?

Жавоб: имом икки ракъатдан кейин қаъдага ўтирмай, учинчи ракъатга туриб кетиб, намозни тўрт ракъатли қилиб адо қилса, икки ракъат таровеҳ адо қилган ҳисобланади, дейилган. Ашраф Али Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ: «Таровеҳ намозида қори янглишиб, аввалги қаъдага ўтирмай, икки ракъат ўрнига тўрт ракъат ўқиса, икки ракъат таровеҳ адо бўлади», деган. Лекин у икки ракъатнинг қайси бирида ўқилган Қуръон эътиборга олинишида шак қилган. «Имдодул фатаво» китобининг ҳошиясида «Бу ҳолатда аввалги икки ракъатнинг охирги қаъдаси тарк қилингани учун намоз фосид бўлади ҳамда унда ўқилган Қуръон қайтадан ўқилади. Лекин такбири таҳрима ботил бўлмайди ва кейинги икки ракъат дуруст бўлиб, унда ўқилган Қуръон эътиборга олинади», дейилган.

t.me/Savollar_kanal

Савол: хуфтоннинг фарзини адо қилмаган кишининг таровеҳ намозига иқтидо қилиши жоизми?

Жавоб: таровеҳнинг вақти хуфтон намозининг фарзидан кейин киргани учун хуфтон намозидан олдин адо қилинган таровеҳ намози дуруст бўлмайди. Шунинг учун хуфтоннинг фарзини ўқимаган қорининг таровеҳда хатмга ўтиши дуруст эмас.

Савол: хатмда Қуръони Каримни тез ўқиш жоизми?

Жавоб: Қуръони Каримни тушунмайдиган даражада тез ўқишдан қайтарилган.

Савол: таровеҳ намозини масжидда ўқиш афзалми ёки уйдами?

Жавоб: Абу Ҳанифа, имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳлар ва моликийларнинг баъзилари таровеҳ намозини масжидда ўқиш афзал, дейишган. Умар розияллоҳу анҳу ва ундан кейинги барча саҳобалар таровеҳ намозини масжидда ўқиб келишган.

Савол: қандай масжидда таровеҳ ўқиш афзал?

Жавоб: «Дуррул мухтор»да ҳар бир маҳалла аҳлининг зиммасида маҳалла масжидининг ҳаққи бўлиб, унинг ҳаққи адо қилиниши лозим, дейилган. Шунга биноан, таровеҳни бошқа масжидга бориб ўқигандан кўра ўз масжидида ўқиш афзал. Лекин маҳалла масжиди имомининг қироати намозга яроқсиз бўлса ва маҳалла масжидида Қуръон хатм қилинмай, бошқа масжидда

хатм қилинаётган бўлса, маҳалла масжидидан бошқа масжидга бориш жоиз.

Савол: хуфтоннинг фарзини ёлғиз ўқиган киши витрда жамоатга қўшилса бўладими?

Жавоб: фарз, витр ва таровеҳ алоҳида–алоҳида намозлар бўлиб, витрни жамоат билан ўқиш учун хуфтонни жамоат билан ўқиш шарт эмас.

Савол: имом витр ўқиётганда келган киши таровеҳни ният қилиб иқтидо қилса бўладими?

Жавоб: келган киши имом салом берганидан кейин салом бермай, тўртинчи ракъатни ҳам адо қилади, бироқ зиммасидан витр намози соқит бўлмайди. Ўқиган тўрт ракъат намози нафл бўлади.

Савол: имом қунут дуосини ўқимай рукуъга кетиб қолса, иқтидо қилувчилар нима қилади?

Жавоб: имомга қўшилиб рукуъ қиладилар. Агар намозхонлар имом қунут ўқияпти деб ўйлаб, имом билан бирга рукуъ қилмай қунут ўқишса ва имом рукуъдан турса, тезда рукуъ қилиб имомга етишиб оладилар. Агар рукуъ қилмай, имомга эргашиб саждага кетиб қолишса, намозларини қайтадан ўқишади.

Савол: таровеҳ намозида сафларнинг орасини очиб, қаторларни тўлдирмай, тарқоқ ҳолатда, ким қаерда

туришни хоҳласа, ўша жойда туриб олиш мумкинми?

Жавоб: фарз намозларида сафлар орасини очиқ қолдириш макруҳ бўлганидек, таровеҳ намозида ҳам макруҳдир.

Савол: Рамазонда таҳажжуд намозини жамоат билан ўқиш жоизми?

Жавоб: барча фиқҳий китобларимизда ёзилганидек, гоҳ-гоҳида икки ёки уч киши бир-бирини жамоат бўлишга чақирмай, таҳажжуд намозини жамоат билан ўқишларининг зарари йўқ. Бунга Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида ётиб қолганларида таҳажжуд намозида у зотга иқтидо қилганлари далил қилиб келтирилади. Агар нафл намозида иқтидо қилувчиларнинг сони тўрттага етса, макруҳи таҳримий саналади. Иқтидо қилувчилар учта бўлса, ихтилоф қилинган.

Баъзилар Рамазон ойидан бошқа пайтда нафл намозларни жамоат бўлиб ўқиш макруҳ, Рамазон ойида макруҳ эмас, дейишади. Лекин бу ҳукм таҳажжудга эмас, таровеҳ намозига тегишлидир.

НАФЛ РЎЗАГА ОИД САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Савол: нафл рўзани узрсиз очиб юборса бўладими?

Жавоб: рўзани очишни мубоҳ қилувчи узрлар

топилмай туриб нафл рўзани очиб юбориш ҳалол бўлмайди. Узр туфайли ёки узрсиз очиб юборса, қазосини тутиб бериш вожиб бўлади. Нафл намозга ёки нафл рўзага киришган одам уни қасддан бузса, қазосини адо қилади.

Савол: Рамазондан кейинги шаввол ойининг олти кунлик нафл рўзасини бўлиб-бўлиб тутса бўладими?

Жавоб: шавволнинг олти кунлик нафл рўзасини бўлиб-бўлиб тутиш мустаҳабдир. Лекин кетма-кет тутса ҳам макруҳ бўлмайди.

Савол: ғайридинларга фидя берса бўладими?

Жавоб: вожиб бўлган закотлар, садақотлар, каффоратларни бериш жоиз эмас. Нафл садақаларни бериш жоиз.

Савол: фақат жума куни рўза тутса бўладими?

Жавоб: фақат жума кунининг ўзида рўза тутиш жоиз, лекин ундан аввал ёки ундан кейин бир кунни қўшиб тутиш афзал. Барча фуқаҳолар наздида душанба ва пайшанба кунги рўзалар мустаҳаб бўлганидек, ёлғиз жума кунида рўза тутиш ҳам мустаҳабдир. Лекин жума кунининг ўзинигина рўза тутишга хослаб олиш макруҳдир. Зеро, ёлғиз жума куни рўза тутиш билан жума кунининг ўзини рўза тутишга хослаб олиш ўртасида фарқ бор. Бошқа кунларни қўшмай, фақатгина жума куни рўза тутиш макруҳдир. Жума

кунини рўза билан, тунини бедорлик билан ўтказишдан қайтарилган.

Савол: нафл рўза бузилса, каффорат вожиб бўладими?

Жавоб: каффорат фақат Рамазон ойининг ҳурмати учун вожиб бўлади. Унинг қазоси бузиб қўйилса ёки бошқа турдаги рўзалар бузиб қўйилса, каффорат вожиб бўлмайди.

Савол: зиммасида қазо рўзаси бор одам нафл рўза тутса бўладими?

Жавоб: рўза тутса бўлаверади, зиммасида Рамазоннинг қазоси лозим бўлиб турган кишига нафл рўза тутиш макруҳ саналмайди. Шунинг учун зиммасида Рамазоннинг қазоси бор киши шаввол ойида олти кун нафл рўза тутмоқчи бўлса, қазони қўйиб, нафл рўзани тутса макруҳ бўлмайди. Шаввол ойида нафл рўза ўрнига қазо рўза тутса, нафлнинг савобини олади.

Савол: беморликдан тузалгач ёки иши юришгач, нафл рўза тутишни назр қилган киши мақсади ҳосил бўлгач, рўзани қай тартибда тутади?

Жавоб: назр рўзани тутиш вожибдир. Уни тарк қилиш гуноҳдир. Агар назр рўзани муайян кунларда, масалан, пайшанба, душанба кунлари тутишни ният қилган бўлса, ундан кечиктириш гуноҳ бўлиб,

кечиктиргани билан зиммасидан соқит бўлмайди. Бошқа кунлари бўлса ҳам тутиб бериш лозим. Агар кунларини тайин қилмаган бўлса, қачон рўза тутса, зиммасидан адо бўлаверади. Тезроқ адо қилиш эса афзалдир.

Аллоҳ таолонинг «**Назрларига вафо қилсинлар**» деган сўзи ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Аллоҳга итоат қилишга назр қилган киши Аллоҳга итоат қилсин. Аллоҳга осий бўлишга назр қилган эса осий бўлмасин**» деган сўзларига биноан қурбат ҳосил қилинадиган ибодатлардан бирортасини назр қилган киши назрига вафо қилиши лозимдир.

t.me/Savollar_kanal